

*PhD Нормурзаев Умид Холмурзаевич -
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
хузуридаги Фискал институти*

ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ БЕРИШ ОРҚАЛИ САМАРАЛИ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, имтиёзлар бериш борасида аниқ мезон ва механизмларни ишлаб чиқиш, берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Калим сўзлар: пандемия, бюджет сиёсати, инфляция, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмуричилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференциялар.

*PhD Нормурзаев Умид Холмурзаевич -
Фискальный институт при Государственном налоговом
комитете Республики Узбекистан*

СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ МЕТОДОВ ПУТЕМ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТ ДЛЯ ПОДДЕРЖКИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ

Аннотация: В Республике Узбекистан особое внимание уделяется обеспечению необходимого уровня сбора налогов и других обязательных платежей, разработке четких критериев и механизмов предоставления льгот, оценке эффективности льгот и преференций.

Ключевые слова: пандемия, бюджетная политика, кризис, бюджет, налоговые льготы, налоговое администрирование, субъекты хозяйствования, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налог, налоговая ставка, преференции.

*PhD Normurzaev Umid Kholmurzaevich -
Fiscal Institute under the State Tax Committee
of the Republic of Uzbekistan*

WAYS TO USE EFFECTIVE METHODS BY PROVIDING TAX INCENTIVES TO SUPPORT ENTREPRENEURS

Annotation: Particular attention is paid to ensuring the required level of collection of taxes and other mandatory payments in the Republic of Uzbekistan, the development of clear criteria and mechanisms for granting benefits, assessing the effectiveness of benefits and preferences.

Keywords: pandemic, budget policy, crisis, budget, tax breaks, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax breaks, taxes, tax rates, preferences.

Кириш. Жаҳон амалиётида солиқ имтиёзларини қўллаш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш орқали иқтисодий фаолиятни тартибга солиш дастакларидан кенг фойдаланилмоқда. “Биргина Россия Федерациясида солиқ тўловчиларга 2018 йилда 3,095 трлн. рубль миқдорида солиқ имтиёзлари берилган. Бу кўрсаткич 2019 йилда 3,194 трлн. рублга, 2020 ва 2021 йилларда мос равишда 3,286 трлн. рубль ва 3,361 трлн. рублга кўтарилди кутилмоқда”. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлиги аниқ натижадорликка асосланган бўлиши заруратга айланган бўлиб, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, “Буюк Британияда 34,8 фоиз, Германияда 25,0 фоиз ва Франция 18,7 фоиз солиқ имтиёзлари самарали, мос равишда 30,2, 25,0 ва 36,9 фоизи самарасиз имтиёзлар деб тан олинган”. Бундан кўринадики, ри-

вожланган ва ривожланаётган мамлакатлар солиқ сиёсатида солиқ имтиёзлари рағбатлангивчи омил сифатида қаралмоқда.

Адабиётлар шарҳи. Мавзу доирасида асосий ўрганилувчи иқтисодий категория солиқ имтиёзлари тушунчаси бўлиб, солиқ имтиёзларига нисбатан берилган таърифларга баътафсил тўхталсак.

Александров[1] фикрича, солиқ имтиёзи – солиқ тўловчига (субъектига) бошқа солиқ тўловчига нисбатан солиқ миқдорини камайтириш ёки афзаллик тақдим этиш деб тушунилади.

Александров[2] — Солиқ имтиёзи – бу солиққа тортиш миқдорини камайтириш ёки солиқнинг субъектига бошқа солиқ тўловчига нисбатан афзаллик тақдим этишидир.

Ефимова ва Поспелова[3] (2014) солиқ имтиёзларини моҳияти қуйидаги тарзда ифодалайди:

Солиқ имтиёзлари - солиқ базасини камайтиришга қаратилган имтиёзлар;

солиқ ставкасини камайтириш: солиқ кечиктириш; инвестицион солиқ имтиёзлари.

Милякова[4] —солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан таққослаганда афзалликлар тақдим этиш, жумладан солиқ ёки йиғимни тўламаслик ёки уларни озроқ миқдорда тўлаш имконияти.

Рахматуллаева[5] солиқ имтиёзига категория сифатида қуйидагича таъриф берган: - имтиёзлар - бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир.

Курбанов ва Акрамов[6] солиқ имтиёзларини моҳиятини очиш мақсадида уни назарий жиҳатдан уч гуруҳга бўлиб ўрганишган:

– солиқдан тўлиқ ёки қисман озод этиш;

– солиқдан чегирмалар;

– солиқ кредитлари (солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар).

Завалишина[7] Солиқ имтиёзи – деганда солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан қиёслаганда солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ (йиғим) тўламаслик ёхуд кам ҳажмда тўлаш имконияти тушинилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимни жорий этиш орқали имтиёзларнинг солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз берилган солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бекор қилиш бўйича бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар кирилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 506-сонли қарори билан Стратегия тасдиқланиб, Сратегиянинг 5.4-бандида солиқ турлари базасини такомиллаштириш, ресурс солиқларини самарадорлигини ошириш. Солиқ

имтиёзларини мақбуллаштириш жараёнини яқунлаш орқали фаолиятнинг барча иштирокчиларига бир хил шароит яратиш ва рақобатни ривожлантириш ҳамда 6.2-бандида алоҳида корхоналар ва иқтисодиёт тармоқларига берилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар миқдори тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш лозимлиги ва солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш натижасида Давлат бюджети даромадларининг камайган қисми тўғрисидаги маълумотлар амалдаги солиқ-бюджет сиёсати ва давлат сектори фаолиятини тўлиқроқ баҳолаш имконини бериши кўрсатилди. Қарорнинг 57-бандида Солиқ харажатлари бўйича маълумотларни ошкор этиш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференциялари ҳисобини юритиш методологиясини ишлаб чиқиб, бюджетнома таркибида асосий солиқ имтиёзлари ва преференциялари тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сон Фармонига асосан Давлат кўмагини кўрсатишнинг монополияга қарши тартибга солиш воситалари мавжуд эмаслиги берилаётган имтиёз ва преференцияларнинг самарасизлиги ва рақобат муҳитига салбий таъсир камайтиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига қуйидаги вазифани амалга ошириш яни солиқ имтиёзлар, преференциялар ва фаолиятни амалга ошириш учун эксклюзив ҳуқуқлар шаклида кўрсатилаётган давлат кўмагининг самарадорлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳамда улар рақобат муҳитига салбий таъсир этган тақдирда, уларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш вазифаси юклатилди. Бундан ташқари, Фармон билан қўмига тадбиркорлик субъектларининг маъмурий юки ва харажатларини, иқтисодиётда давлат иштироки даражасини камайтириш ва давлат кўмагини кўрсатилишини тартибга солиш учун имтиёзлар ва преференциялар берилишида монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олишни назарда тутувчи механизмни жорий қилишни, имтиёз ва преференцияларнинг реестрини жорий этиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни ҳамда давлат томонидан берилган имтиёз ва преференцияларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш вазифаси юклатилди.

Хориж мамлакатлари тажрибаси таҳлилга кўра, солиқ имтиёзларининг самарадорлиги турлича бўлиб, самарасиз имтиёзларининг улу-

ши юқори ҳисобланади. Масалан, Буюк Британия, Германия ва Франция давлатларида ўрғанилган солиқ имтиёзларининг мос равишда 30,2, 25,0 ва 36,9 фоизи самарасиз эканлигини кўриш мумкин. Самарасиз солиқ имтиёзларининг кўплиги жиҳатидан Франция ажралиб турибди. В.Г.Пансковнинг фикрича, “солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш барча мамлакатларда ўтказилади. Францияда 2010 йилда солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича қўмита тузилган бўлиб, унга ҳукумат таркибининг масъулиятли вакиллари кирган. Ўрганишлар натижасида 385 турдаги солиқ имтиёзларидан 72 тури ёки 18,7 % самарали, 171 тасини самарасиз етарли эмас ва 42 турдаги солиқ имтиёзлари самарасиз деб тан олинган”. Россия Федерацияси ҳукумати 2019 йил 12 апрелда “Россия Федерацияси солиқ харажатлари рўйхатини шакллантириш ва солиқ харажатларини баҳолаш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 439-сон қарорини қабул қилди. Ушбу ҳужжатга асосан солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади: а) солиқ имтиёзларини мақсадлилигини баҳолаш; б) солиқ имтиёзларининг натижавийлигини баҳолаш. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси томонидан солиқ имтиёзларининг самарадорлик даражасини баҳолаш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларга берилган имтиёз ва преференцияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уни мониторингини амалга оширишда қуйидагиларни инобатга олиш керак:

Асосий тушунчалар:

ижтимоий самарадорлик – ижтимоий инфратузилма ва бизнесни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасининг оширилиши, унинг ижтимоий ҳимояси, аҳоли бандлигини таъминлаш учун қулай шароитлар яратилишини тасдиқловчи имтиёзлар самарадорлиги кўрсаткичлари;

иқтисодий самарадорлик – мамлакат иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда берилган имтиёзларнинг корхоналарни хўжалик фаолиятига (ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, товар (иш, хизмат)ларнинг сотилиши, таннархини пасайиши, ишлаб чиқариладиган товар (иш, хизмат)ларнинг турларини кенгайтирилиши, даромадларни кўпайиши ва бошқаларга таъсирини баҳолаш;

имтиёзлар – хўжалик юритувчи субъектларга, юридик шахслар бирлашмаларига, нотижорат ташкилотларга, шу жумладан, хорижий

корхоналарга берилган солиқ, божхона имтиёз ва преференциялари;

имтиёз олувчилар – товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар, юридик шахслар бирлашмалари, хорижий корхоналар;

самарадорликни баҳолаш бўйича ваколатли орган;

имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш - иқтисодий, бюджет ва ижтимоий самарадорлик ҳамда рақобатга таъсири кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар, юридик шахслар бирлашмалари, хорижий корхоналарга берилган имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиб-таомиллари;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда амалда қўлланиладиган бошқа тушунчалар ва атамаларни кўриб чиқиш;

Самарадорликни баҳолаш қуйидаги имтиёзлар бўйича амалга оширилади:

- солиқ ва йиғимлар;
- солиқ ва йиғимлар бўйича қарзларни ҳисобдан чиқариш;
- божхона божлари ва тўловлари;
- субсидиялар ва нарх преференциялари;
- товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришда ва реализация қилишда эксклюзив ҳуқуқлар бериш.

Самарадорликни баҳолашда қуйидаги мезонлар ва кўрсаткичлардан фойдаланилиш тавсия этилади:

- солиқ ва йиғимлар турлари, ставкаси;
- ҳисобот даврига солиқ ва йиғимлар бўйича солиқ солиш базаси;
- имтиёзли солиқ ставкаси;
- ҳисобот йили учун камайтирилган солиқ суммасининг базаси;
- имтиёзлар бериш натижасида солиқ тўловчиларнинг имтиёзлари ҳисобига олинган маблағларни мақсадларга ишлатиши;
- ҳисобот даврига асосий фондларнинг қиймати;
- ҳисобот даврига иш ҳақи фонди;
- бюджетга ҳисобланган солиқлар миқдори;
- бюджетга тўланган солиқ ва йиғимлар миқдори;
- ҳисобланган божлари ва тўловлари миқдори;
- бюджетга тўланган божхона тўловлари миқдори;

Солиқ имтиёзларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлили қуйидаги маълумот-

ларга асосан амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- товар (иш, хизмат)ларнинг асосий тури бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодаси, сотишдан тушадиган соф тушумни ўсиши;

- янги турдаги товар (иш, хизмат)лари ишлаб чиқариш ҳажмининг пул ёки натурадаги ифодаси;

- экспорт ҳажмининг пул ифодаси, экспортнинг ўсиши;

- янги технология, ускуналар, ишлаб чиқариш қувватларини (ишлаб чиқариш корхоналар учун) миқдорий кўрсаткичлари, асосий воситаларнинг қолдиқ қийматининг ўсиши;

- фаолиятга янги кашфиётлар, патентлар ва саноат намуналарини жорий этилганлиги;

- ишлаб чиқариладиган (олиб келинадиган) товар (иш, хизмат)ларнинг таннархини пасайтиришга эришилганлиги, фойданинг ўсиши.

Имтиёзларнинг рақобат муҳити ва тадбиркорлик фаолиятига таъсири таҳлили қуйидаги маълумотлар асосида амалга оширилади:

- товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришда берилган эксклюзив ҳуқуқлар натижасида бозор иштирокчиларининг сонини чекланиши, камайиши ёки бозордан чиқиб кетиши;

- субъектларнинг бозорда рақобатлашиш қобилиятини пасайиши, чекланиши ёки бозорга киришга тўсиқ яратилганлиги;

- бозор иштирокчиларини ҳамда баъзи етказиб берувчиларнинг бошқа етказиб берувчиларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳаражатларини сезиларли даражада ошишига сабаб бўлмаслиги ва бошқалар.

Имтиёзларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш таҳлил қилинган давр учун қуйидаги формулага мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг бешта (ҳар бири 1 балл) иқтисодий кўрсаткичи бўйича баллар йиғиндисининг ўртача кўрсаткичи сифатида ҳисобланади:

$$Кэ.э. = \sum ОПэ.э./5,$$

бу ерда:

Кэ.э. - иқтисодий самарадорлик коэффициенти;

$\sum ОПэ.э.$ - қуйидаги бешта иқтисодий кўрсаткич бўйича умумий балл:

- товар (иш, хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (ўсишга эришилган бўлса - 1, акс ҳолда - 0);

- товар (иш, хизмат)лар сотишдан тушадиган соф тушумнинг ўсиши (ўсишга эришилган бўлса - 1, акс ҳолда - 0);

- асосий воситаларнинг қолдиқ қийматининг (янги технология, ускуналар, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ҳисобига) ўсиши (ўсишга эришилган бўлса - 1, акс ҳолда - 0);

- товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг ўсиши (ўсишга эришилган бўлса - 1, акс ҳолда - 0);

- товар (иш, хизматлар) нархларини ўзгариши (пасайишга эришилган бўлса - 1, акс ҳолда - 0).

Агар Кэ.э. = 1 бўлса, имтиёзлар юқори иқтисодий самарага эга.

Агар Кэ.э. $\geq 0,5$ бўлса, имтиёзлар ўртача иқтисодий самарага эга.

Агар Кэ.э. $< 0,5$ бўлса, имтиёзлар паст иқтисодий самарага эга.

Имтиёзларнинг бюджет самарадорлигини баҳолаш бюджет самарадорлиги коэффициенти бюджетга мутлақ ўсишига нисбати сифатида ҳисобланади.

$$Кб.э. = \frac{ОСЛт}{(СНт - СНт-1)},$$

бу ерда:

Кб.э. - бюджет самарадорлиги коэффициенти;

ОСЛт - охирги ҳисобот йили учун қўлланилган имтиёзларнинг умумий миқдори;

СНт - охирги ҳисобот йили учун бюджетга ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига тушган солиқлар ва тўловларнинг умумий суммаси;

СНт-1 - охирги ҳисобот йилидан ўтган ҳисобот йили учун бюджетга ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига тушган солиқлар ва тўловларнинг умумий суммаси.

Бюджет самарадорлигининг салбий кўрсаткичида Кб.э. = 0 коэффициенти қабул қилинади.

Тақдим этилган имтиёз юқори самарага эга ва бюджет самарадорлиги коэффициенти Кб.э. = 1 ташкил этади, агар бюджет самарадорлиги имтиёзларни беришдан хўжалик юритувчи субъект томонидан ижтимоий вазифаларни амалга оширишни бевожита молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағларини тежанида намоён бўлса.

Тадбиркорлик субъектларга берилган имтиёзларнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш ижтимоий самарадорлик коэффициент Кс.э.орқали қуйидагича ҳисобланади:

$$Кс.э. = \sum ОПс.э./5,$$

бу ерда:

Кс.э. - ижтимоий самарадорлик коэффициенти, $\sum ОПс.э.$ - бешта кўрсаткич бўйича умумий балл.

Хўжалик юритувчи субъектларга берилган имтиёзларни ижтимоий самарадорлик кўр-

саткичлари сифатида қуйидагилар кўриб чиқилади:

- қўшимча иш ўринлари (яратилган бўлса – 1, акс ҳолда - 0);

- ишчи ва ходимларни иш ҳақи (оширилган бўлса – 1, акс ҳолда - 0);

- меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилашга маблағлар йўналтирилганлиги (йўналтирилган бўлса – 1, акс ҳолда - 0);

- ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга маблағлар йўналтирилганлиги (йўналтирилган бўлса – 1, акс ҳолда - 0);

- экологик хавфсизликни кўпайтиришга маблағлар йўналтирилганлиги (йўналтирилган бўлса – 1, акс ҳолда - 0).

Имтиёзлар юқори ижтимоий самарага эга бўлади, агар ижтимоий самарадорлик коэффициенти $K_{с.э.} = 1$ бўлса.

Имтиёзлар ўртача ижтимоий самарага эга бўлади, агар ижтимоий самарадорлик коэффициенти $K_{с.э.} \geq 0,6$ бўлса.

Имтиёзлар паст ижтимоий самарага эга бўлади, агар ижтимоий самарадорлик коэффициенти $K_{с.э.} < 0,4$ бўлса.

Имтиёзлар ижтимоий самарага эга бўлмайди, агар ижтимоий самарадорлик коэффициенти $K_{с.э.} = 0$ бўлса. Тақдим этилган маълумотлар ва ўтказилган таҳлиллар асосида ваколатли орган томонидан таҳлилий ҳисобот тайёрланади.

Хулоса ва таклифлар. Амалдаги қонун ҳужжатларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъ-

ектларга бериладиган солиқ имтиёзлари бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан ва бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган ҳолда берилади. Солиқ имтиёзларнинг мақсадли ишлатилганлигини масофадан туриб назорат қилиш тизими яратилмаганлиги сабабли, солиқ имтиёзларининг мақсадли ишлатилганлиги фақатгина солиқ аудити жараёнида аниқланиши мумкин. Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган солиқ тўловчилар реестрини шакллантириш. Шакллантирилган реестрдаги корхоналар томонидан қўлланилган солиқ имтиёзларининг берилишига қараб мақсадли ва мақсадсиз тоифаларга ажратиш тизимини яратиш ҳамда айрим солиқ имтиёзлари солиқ тўловчи фаолиятини ташкил этгандан бошлаб муайян муддатга берилади. Солиқ тўловчида мазкур имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи юзага келган ва тугаш вақтини солиқ тўловчилар кесимида юритилиш тизимини яратиш лозим. Солиқ имтиёзларидан бўшаган маблағларни мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат тизимини яратиш. Имтиёзлардан бўшаган маблағлар мақсадли йўналтирилганлиги юзасидан солиқ тўловчилар томонидан тақдим қилиниши лозим бўлган солиқ ҳисоботлари шакллари такомиллаштириш. Ҳисоботларни топширмаган ёки ишончсиз ҳисобот тақдим қилган солиқ тўловчилар имтиёзларини бекор қилиш тизимини яратиш лозим.

Манба ва адабиётлар:

1. Александров И.М. (2007) *Налоги и налогообложение: Учебник.–7-е. изд., перераб. И доп.– Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко».* – 314 с.
2. Александров И. М. (2009) *Налоги и налогообложение: Учебник / И. М. Александров. — 10-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательско- торговая корпорация «Дашков и К, 228 с.*
3. З. Ефимова Е.Г., Поспелова Е.Б. (2014) *Налоги и налогообложение: Учебное пособие. - М.: МИИР, - 235с.*
4. Милякова Н.В. (2008) *Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп.–М.:ИФРА, С.33 Milyakova N.V. (2008)*
5. Рахматуллаева Ф. (2016) —*Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодий рағбатлантиришдаги роли. Молия илмий журнали №2/ 108 бет.*
6. А Курбанов З., Акрамов Ф. (2015) —*Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини такомиллаштириш масалалари. Бизнес-эксперт илмий журнали №9*
7. Завалишина И.А. (2005) *Солиқлар: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма. –Т.: “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. -14 б.*
8. *Сравнение эффективности налоговых льгот в индустриально развитых странах.– http://council.gov.ru/media/files/41d4df1fc7427347f5a7.pdf. 2.10.2019.*
9. <https://www.vestifinance.ru/articles/103651>. 04.10.2019.
10. *Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Гафур Ғулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.*
11. *Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. www.soliq.uz.*
12. Слагода В.Г (2010) *Краткий словарь экономических терминов / сост. – М.: ФОРУМ. – 128 с.*
13. Тютюрюков Н.Н., Тернопольская Г.Б., Тютюрюков В.Н. (2009) *Налоговые льготы и преференции: цель - одна, а механизм - разный // Налоговая политика и практика. N 10. С. 18-23.*
14. Милякова Н.В. (2008) *Налоги и налогообложение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп.–М.: ИФРА, С.33 Milyakova N.V.*
15. *Постановление Правительство Российской Федерации от 12 апреля 2019 г. № 439, Москва Об утверждении Правил формирования перечня налоговых расходов Российской Федерации и оценки налоговых расходов Российской Федерации.*